

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**484** Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ташкилотларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат активларини бошқаришни янада мақбуллаштириш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ташкилотларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Ўзбек-телеком» акциядорлик компаниясининг:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

WWW.LEX.UZ

баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган қиймат бўйича давлат улушини кўпайтириш ҳисобига иловага мувофиқ рўйхат бўйича мол-мулкни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг устав фондига бериш;

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий майдони 2 677 кв. м бўлган, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг мулкида бўлган бинони давлат мулки сифатида, тасарруф этиш ҳуқуқисиз Давлат алоқа инспекциясига бепул бериш;

Тошкент шаҳар, Амир Темура кўчаси, 119-уйда («А» корпус) жойлашган, умумий майдони 6 495 кв.м бўлган бинони Давлат алоқа инспекцияси балансидан тасарруф этиш ҳуқуқисиз Тошкент ахборот технологиялари университетига бепул бериш;

Тошкент шаҳар, Амир Темура кўчаси, 119-уйда («Б» корпус) жойлашган, умумий майдони 573 кв.м бўлган бинони Давлат алоқа инспекцияси балансидан тасарруф этиш ҳуқуқисиз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасига бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

#### 2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой муддатда ушбу қарорга иловада кўрсатилган мол-мулкнинг бозор қийматини белгиланган тартибда баҳоласин;

икки ой муддатда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда ушбу қарорга иловада кўрсатилган берилаётган мол-мулкни ҳисобга олган ҳолда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг устав фонди кўпайтирилишини таъминласин;

икки ой муддатда ушбу қарор 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошида кўрсатилган бинолар қабул қилиниши — топширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат алоқа инспекцияси, Тошкент ахборот технологиялари университети ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси берилаётган мол-мулкдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ушбу қарор 1-бандининг тўртинчи хатбошида кўрсатилган бинони Тошкент ахборот технологиялари университетининг талабалар тузар жойи сифатида моддий-техник таъминлашни, уни хайрия маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига мукамал таъмирлашни назарда тутсин.

#### 4. Белгилансинки:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг марказий аппарати ва Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси Тошкент шаҳар, Амир Темура шохкўчасидаги 4-уйда;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар, Навоий кўчасидаги 28а-уйда жойлашади.

#### 5. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаш-

**41-42 (541-542)-сон**

**— 33 —**

**484-модда**

тиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари-ни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2003 йил 25 августдаги 367-сон қарорининг 1-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 августдаги 401-ф-сон фармойишининг 1-бандининг «б» кичик банди ва 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 16 октябрь,  
296-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 16 октябрдаги 296-сон қарорига  
ИЛОВА

**Баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган қиймат бўйича давлат  
улушини кўпайтириш ҳисобига «Ўзбектелеком» компаниясининг устав  
фондига бериладиган мол-мулки  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Бино ва иншоотлар манзили	Умумий майdonи (кв. м)	Балансда сақловчи (Бераётган томон)	Изоҳ
1.	Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28 «А»	4 827	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги	Маъмурий бино, шунингдек Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан аниқланадиган рўйхат бўйича товар-моддий бойликлар берилади.
2.	Чирчиқ шаҳри, П. Юсупов кўчаси, «3А»	1 083,51	Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги	
3.	Чирчиқ шаҳри, 9-микрорайон, 50-йиллик шоҳкўчаси	3 404,09	Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги	